

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

422 **Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби**
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 15 июлдаги ПҚ–2003-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

1. Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги ни-зом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси С. Арабов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кен-гаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 14 август,
231-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 14 августдаги 231-сон қарорига
ИЛОВА

**Худудларнинг давлат кадастрини юритиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Худудларнинг давлат кадастри «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади ва юритилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

географик ахборот тизими (геоахборот тизими) — географик объектлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, моделлаштириш ва акс эттириш, шунингдек рақамли картографик, ўхшаш ва матнли ахборотдан фойдаланган ҳолда умумдавлат (тармоқлараро) ёки тармоқ аҳамиятига молик ахборот ва ҳисоб-китоб вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган тизим;

геофазовий объект — Ерда муайян жойлашган жойи билан тавсифланадиган ва фазовий-вақт координаталарнинг белгиланган тизимида аниқланган реал дунё объекти;

худудларнинг давлат кадастри геопортали — худудлар давлат кадастрининг ахборот ресурслари тўғрисидаги метамаълумотлар сақланадиган ва улардан ҳамда Интернет тармоғидаги худудлар давлат кадастрининг ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлайдиган геофазовий маълумотларнинг интернет-воситалари ва сервислари мажмуи;

геофазовий маълумотлар — жойдаги объектларнинг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, электрон график ва/ёки матнли шаклда ҳамда координаталар тизимларида тақдим этилган ахборот;

худудларнинг давлат кадастри — муайян худуднинг табиий-ресурс ва ҳўжалик салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик ҳолати тўғрисидаги худудий- ташкилий геофазовий маълумотларни ўз ичига олган геоахборот тизими. Худудларнинг давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг (ДКЯТ) таркибий қисми ҳисобланади;

геодезик координаталар, баландликлар, гравиметрик ўлчовлар давлат тизимлари — натижалари умумдавлат (тармоқлараро) аҳамиятига молик геодезия ва картография ишларини бажаришда қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган геодезик координаталар, баландликлар, гравиметрик ўлчовлар тизимлари;

Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) — давлат кадастрларининг барча турларини бирлаштирувчи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудларининг табиий-иқтисодий салоҳияти ягона умумдавлат ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлаш учун мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизими;

ҳудудлар давлат кадастри тизимининг ахборот ресурслари — ҳудуд ягона рақамли картографик асосининг геофазовий маълумотлар база-си, манзиллар, кўчалар, маҳаллалар ва бошқа номланган объектлар реестр-лари, ер кадастри ва бошқа давлат кадастрларига оид геофазовий маълумот-ларнинг профиль тўплами, шаҳарсозлик ва ер тузиш нормалари ва регла-ментлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳудудлар давлат кадастри тизими-да рўйхатга ва ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар;

маҳаллий координаталар тизими — давлат ҳудудининг чекланган қисмига нисбатан белгиланадиган координаталарнинг шартли тизими, унинг координаталар санок боши ва координаталар ўқлари йўналиши давлат гео-дезик координаталар тизимининг координаталар санок боши ва координата-лар ўқлари йўналишига нисбатан сурилган бўлади;

метамаълумотлар — маълумотларнинг бир қисми охириги марта ян-гиланганда фойдаланувчиларга хабар қилинадиган маълумотлар базасининг ахборот билан тўлганлигини таърифловчи ахборот; метамаълумотлар тар-кибига: материаллар ва маълумотларнинг сифати ва келиб чиқиши; фазо-вий-вакт тавсифлари; маълумотларни олиш усуллари ва уларни янгилашнинг даврийлиги; сертификация, интеллектуал мулк ва тарқатишга бўлган чек-ловлар тўғрисидаги ахборот киритилади;

ахборот тизимлари сервислари — дастурий-техник воситалар, улар ёрдамида ҳудудлар давлат кадастри маълумотлари фойдаланиш учун тақдим этилади ва уларни қайта ишлаш операциялари амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари: Қора-қалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳар-лар) уларга нисбатан ҳудудларнинг давлат кадастри юритиладиган ҳудуд-лар ҳисобланади.

Айрим ҳолларда уларга нисбатан ҳудудларнинг давлат кадастри юрити-ладиган ҳудудлар иқтисодий минтақа ёки эркин иқтисодий зона ва бошқа-лар бўлиши мумкин.

4. ДКЯТга кирувчи барча давлат кадастрларининг объектлари, муайян ҳудудда жойлашган саноат, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, ижтимоий соҳа, маъмурий ва бошқа аҳамиятга эга бўлган объектлар, шу-нингдек ушбу объектлар тўғрисидаги геофазовий, статистик ва бошқа за-рур маълумотлар ҳамда улар жойлашган ҳудудлар ҳудудларнинг давлат кадастри объектлари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси) ҳудуд-лар давлат кадастрини ташкил этиш ва юритиш бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади.

6. Ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш ва юритиш ишлари Ўзбекис-

тон Республикаси давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

II. Ҳудудлар давлат кадастрининг мақсадлари ва вазифалари

7. Ҳудудларнинг давлат кадастри ҳудудларнинг табиий-ресурс ва ҳўжалик салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик ҳолатини ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш мақсадларида тузилади ва юритилади.

8. Ҳудудларнинг давлат кадастри давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ҳудудий режалаштириш ва ҳудудларни бошқариш соҳасида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган, ҳудудларнинг табиий-ресурс ва ҳўжалик салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик ҳолати тўғрисидаги комплекс, аниқ ахборот билан таъминлаш учун мўлжалланган.

9. Ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш қўидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

барча даражаларда ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш методологиясининг ягоналиги;

ҳудудлар давлат кадастри юритиладиган ҳудудларга нисбатан ҳудудларнинг табиий-ресурс ва ҳўжалик салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва экологик ҳолатини тўлиқ камраб олиш;

фазовий координаталарнинг ягона тизимини ва ягона картографик асосларини қўллаш;

барча объектлар бўйича геофазовий маълумотларни шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

ҳудудлар давлат кадастри ахборот ресурсларининг долзарблиги, тўғрилиги, тўлиқлиги, бутлиги, аниқлиги, равшанлиги ва ҳужжатларга асосланганлиги;

ҳудудлар давлат кадастри ахборотининг очиқлиги ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкинлиги, уни олиш, тарқатиш ва сақлашнинг қонунийлиги;

ер кадастри ва бошқа давлат кадастрларининг ахборот тизимлари ҳамда давлат ахборот ресурсларини ташкил қилувчи реестрлар билан ўзаро боғланганлиги;

ҳудудлар давлат кадастрининг ахборот ресурсларини тузиш, янгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, тақдим қилиш ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган ҳудудлар давлат кадастрининг базавий субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш ва юритиш ишларини давлат ер кадастри, ДҚЯТ ва Миллий геоахборот тизимини ташкил этиш ва юритиш ишлари билан мувофиқлаштириш.

10. Ҳудудлар давлат кадастри маълумотларининг комплекслиги, тўлиқлиги ва тўғрилиги:

худудий ривожланишни режалаштириш ва худудларни бошқариш;
аҳоли ҳаёт фаолиятининг хавфсиз муҳитини шакллантириш;
худудларни табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш;

худудларда аҳолини, ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш кучларини бир хилда тақсимлаш;

атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш;

саноат объектлари ва бошқа объектларнинг муҳандислик-транспорт инфратузилмаси самарали ва ишончли фаолият кўрсатиши;

худудларни барқарор ривожлантириш мақсадида табиий ресурсларни ва алоҳида мақомга эга худудларни, шу жумладан муҳофаза қилинадиган табиий худудларни, тарихий объектларни, маданий мерос объектларини, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни, сув ресурсларини ва ўрмонларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш;

худудларни ривожлантириш ва бошқаришнинг бошқа масалалари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилинишини таъминлаши керак.

III. Худудларнинг давлат кадастри тузилмаси ҳамда уни тузишни ташкил этиш ва юритиш

11. Худудларнинг давлат кадастри тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ташкилий тузилма;
- 2) техник ва дастурий воситалар;
- 3) ахборот ресурслари;
- 4) метамаълумотлар базалари;
- 5) геофазовий маълумотлар сервислари;
- 6) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар ва стандартлар.

12. Худудлар давлат кадастрининг ташкилий тузилмасини (ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан) қуйидагилар ташкил қилади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (худудларнинг давлат кадастри ахборотидан фойдаланиш);

худудларнинг давлат кадастрини тузиш ва юритиш бўйича ваколатли орган сифатида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси;

Геодезия ва картография миллий маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари;

худудлар давлат кадастри тизимида рўйхатдан ўтказилиши ва ҳисобга олиниши лозим бўлган ахборот ресурсларини тузиш, янгилаш, қайта ишлаш, сақлаш, тақдим этиш ва улардан фойдаланишни амалга оширадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектлар.

13. Худудлар давлат кадастри умумдавлат (ДКЯТ ва Миллий геоахборот тизими), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) даражасида юритилади.

14. Худудларнинг давлат кадастрини тузиш ва юритиш «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси таркибига кирувчи корхоналар:

республика даражасида — Геодезия ва картография миллий маркази; минтақа, туман ва шаҳар даражаларида — тегишли худудий ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан амалга оширилади.

15. Худудлар давлат кадастрининг ташкилий тузилмасига ўз ваколатлари доирасида худудлар давлат кадастри тизими учун ахборот ресурсларини тақдим этиш учун масъул бўлган қуйидаги базавий субъектлар киради:

1) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги — қуйидаги маълумотлар учун:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш;

ирригация тизимлари ва иншоотлари жойлашиши ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар учун;

гидротехника иншоотлари давлат кадастри маълумотлари (капиталлиги III классдан паст гидротехника иншоотлари бўйича — иншоотларнинг ман-сублиги бўйича);

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси — давлат ўрмон кадастри маълумотлари учун;

2) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги — қуйидаги маълумотлар учун:

техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (портлаш хавфи ва ёнғин хавфи юқори бўлган зоналар (объектлар) — бўлим) маълумотлари;

ички ишлар органларининг худудий бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлимлари, таянч пунктлари, йўл-патруль хизмати, ёнғин хавфсизлиги хизмати постларининг ва ички ишлар органлари блок-постларининг жойлашиши ва уланиш маълумотлари тўғрисидаги маълумотлар учун;

3) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

жойдаги объектларнинг ўзгаришига сабаб бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборот учун;

техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (бўлим — хавфи юқори бўлган, одамларни эвакуация қилиш ёки кўчиришни талаб қиладиган зоналар) маълумотлари учун;

4) Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги — моддий маданий мерос объектлари давлат кадастри маълумотлари ва ушбу объектларга хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг уланиш маълумотлари учун;

5) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги — қуйидаги маълумотлар учун:

техноген хавф юқори бўлган зоналар кадастри (бўлим — кучли таъсир этувчи захарли кимёвий моддалар, пестицидлар, радиоизотоп маҳсулотлар, радиоактив моддалар ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари) маълумотлари учун;

соғлиқни сақлаш муассасалари: касалхоналар, клиникалар, поликлиникалар, фельдшерлик ҳамда жароҳатланиш пунктлари, диспансерлар, дори-

хоналар ва бошқаларнинг жойлашиши ҳамда уланиш маълумотлари тўғрисидаги маълумотлар учун;

6) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги — мактабгача ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг жойлашиши ва уланиш маълумотлари тўғрисидаги маълумотлар учун;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар — идоравий мансуб олий таълим муассасаларининг жойлашиши ва уланиш маълумотлари тўғрисидаги маълумотлар учун;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази — ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг жойлашиши ва уланиш маълумотлари тўғрисидаги маълумотлар учун;

8) Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси — алоқа объектлари давлат кадастри маълумотлари учун;

9) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси — қуйидаги маълумотлар учун:

конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри маълумотлари учун;

табiiй хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (бўлим — хавфли геологик жараёнларнинг юзага чиқиш зоналари) маълумотлари учун;

10) Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси — қуйидаги маълумотлар учун:

давлат шаҳарсозлик кадастри маълумотлари;

қурилатган бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги маълумотлар учун;

11) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси — қуйидаги маълумотлар учун:

хайвонот дунёси давлат кадастри маълумотлари;

ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри маълумотлари учун;

чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри маълумотлари;

муҳофаза қилинадиган табiiй ҳудудлар давлат кадастри маълумотлари учун;

12) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси — аҳоли сони тўғрисидаги статистик маълумотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури доирасида шаклландиган туманлар (шаҳарлар) бўйича алоҳида йиллик статистик кўрсаткичлар учун;

13) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси — қуйидаги маълумотлар учун:

давлат ер кадастри маълумотлари;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри маълумотлари учун;

картография-геодезия давлат кадастри маълумотлари;

14) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази — қуйидаги маълумотлар учун:

давлат сув кадастри (ер усти сувлари, ер ости сувлари, сув ресурсларидан фойдаланиш) маълумотлари;

табiiй хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри кадастри (бўлим — гидрометеорологик ходисалар хавфи юқори бўлган зоналар) маълумотлари учун;

15) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси — қуйидаги маълумотлар учун:

табiiй хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (бўлим — сейсмик хавф юқори бўлган зоналар) маълумотлари;

техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (бўлим — ядро физикаси корхоналаридаги радиация хавфи юқори бўлган зоналар) маълумотлари учун;

16) Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси — техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри (бўлим — ишлаб чиқариш объектларида, портлаш-ёнғин хавфи ва радиация хавфи бўлган объектларда бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатлари хавфи юқори бўлган зоналар) маълумотлари ва техноген хавф юқори бўлган объектлардан фойдаланувчи ташкилотларнинг уланиш маълумотлари учун;

17) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси — гидротехника иншоотлари давлат кадастри (давлат мулкида бўлган, шунингдек республика ва минтақавий сув хўжалиги ва энергетика тизимларига қирадиган капиталлиги I, II, III классли гидротехника иншоотлари бўйича) маълумотлари учун;

18) «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси — темир йўллар давлат кадастри маълумотлари учун;

19) «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси — автомобиль йўллари давлат кадастри маълумотлари учун;

20) «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси — қуйидаги маълумотлар учун:

энергетика объектлари давлат кадастри маълумотлари;

гидротехника иншоотлари давлат кадастри (капиталлиги III классдан паст гидротехника иншоотлари бўйича — иншоотларнинг мансублиги бўйича) маълумотлари учун;

21) «Ўзбекнефтогаз» миллий холдинг компанияси — етказиб бериш қувурлари давлат кадастри маълумотлари учун.

16. Геофазовий маълумотлар координаталарнинг давлат ва маҳаллий тизимларида, объектларнинг ҳисобга олиниши лозим бўлган кодларини, шунингдек ҳудудлар давлат кадастри геоахборот тизими маълумотлар базасида геофазовий объектларни рақамли таърифлаш қоидаларини белгилаган ҳолда объектларнинг класслари ва хусусиятлари рўйхатини (таснифини) белгиловчи ҳудудларнинг давлат кадастрини таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизимига мувофиқ рақамли шаклда тузилади.

17. Худудлар давлат кадастри ахборот тизимининг техник ва дастурий воситаларига худудларнинг давлат кадастри ахборот ресурслари рўйхатдан ўтказилиши, ҳисобга олиниши, сақланиши, долзарблаштирилиши ва фойдаланувчиларга тақдим этилишини таъминлайдиган умумдавлат, минтақавий, туманлар ва шаҳарлар геопорталлари ҳамда геоахборот тизимлари тармоғи киради.

18. Худудлар давлат кадастри тизимининг ахборот ресурслари ушбу Низомнинг 29 — 32-бандларида келтирилган маълумотларнинг умумлаштирилган таркиби ва уларга киритиш учун асослар худудлар давлат кадастрининг умумдавлат, минтақавий, туман ва шаҳар даражаларидаги ахборот ресурсларидан иборат бўлади.

19. Худудлар давлат кадастри ахборот ресурсларининг тузилмаси ва батафсил мазмуни «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан ўз ваколатлари доирасида худудларнинг давлат кадастри тизими учун ахборот ресурслари тақдим этилиши учун масъул бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда белгиланади.

20. Худудларнинг давлат кадастри метамаълумотлари ахборот ресурслари, шу жумладан худуднинг таркиби, тузилмаси, сифати, айрим қисмлари, геофазовий маълумотлардан фойдаланиш шартлари ва уларни тузувчилар тўғрисидаги маълумотнома ахборотни ўз ичига олади. Кадастр ҳужжатлари ва геофазовий маълумотларнинг турига қараб, метамаълумотлар бошқа маълумотнома ахборотни ўз ичига олиши мумкин.

21. Метамаълумотларнинг тартибга солинган тўпламларини ўз ичига олувчи метамаълумотлар базалари тегишли худудий ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан тузилади ҳамда геофазовий маълумотлар ва ахборот тизимлари сервисларини қидириш, сифатини баҳолаш, улардан фойдаланиш шартларини таъминлаш учун геопорталлар тармоғида жойлаштирилади.

22. Худудлар давлат кадастри тизимида қуйидаги ахборот тизимлари сервисларига эга бўлган геопорталлар тармоғи яратилади ва унга хизмат кўрсатилади:

1) ахборот тармоқларида геофазовий маълумотлар тўпламлари ва сервисларини аниқлашни таъминлайдиган қидириш сервислари;

2) геофазовий маълумотлар тўпламларини, геофазовий объектларнинг тавсифлари тўғрисидаги ахборотни ва метамаълумотлар таркибини кўриб чиқиш сервислари;

3) кадастр маълумотларига бевосита киришни ёки улардан нусхалар олишни таъминлайдиган кириш сервислари;

4) геофазовий маълумотлар координаталарини бир координаталар тизимидан ёки картографик проекциядан бошқасига алмаштиришни таъминлайдиган алмаштириш сервислари.

23. Методик, лингвистик, техник ва дастурий воситалар худудларнинг давлат кадастрини тузиш ва юритиш жараёнида қуйидаги асосий операцияларнинг автоматлаштирилган тарзда бажарилишини таъминлаши лозим:

электрон ҳужжат айланиши ва кадастр маълумотлари алмашувининг бирхиллаштирилган тизимидан фойдаланган ҳолда бошқа кадастрлар ва ахборот тизимлари билан ҳужжатлаштирилган маълумотлар алмашуви;

ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот тизимида сақланаётган маълумотлардан резерв нусха кўчириш ва уларни ҳимоя қилиш;

янги ҳужжатлар ва маълумотларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш, шунингдек белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг сақланишини архив режимига ўтказиш йўли билан ахборот ресурсларини долзарблаштириш;

геофазовий маълумотлар базасини киритиш, таҳрир қилиш ва соз ҳолда сақлаш, ҳудудлар давлат кадастри рақамли карталарини шакллантириш, чиқариш ва улардан фойдаланиш;

ахборотни объектнинг манзили ёки рўйхатдан ўтказиш (идентификация) рақами, ер участкасининг координаталари ёки кадастр рақами, ҳужжатнинг номи ва реквизитлари бўйича кидириш;

таҳлилий ҳисоботлар тузиш, чиқиш ҳужжатларини босма ва/ёки электрон шаклда шакллантириш ва чиқариш;

ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда киритилган ёки шакллантирилган ва киритилган кириш/чиқиш ҳужжатлари реестрини босма ва/ёки электрон шаклда юритиш.

24. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан ваколатли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кадастр ҳисоби ва кадастр маълумотлари алмашуви, ҳудудлар давлат кадастрини тузиш ва ривожлантириш учун бирхиллаштирилган электрон ҳужжатлар айланиши тизимининг ахборот ресурсларини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар ва стандартлар ишлаб чиқилади.

IV. Ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш тартиби

25. Ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш қўйидаги асосий масалаларнинг ҳал этилишини ўз ичига олади:

ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш концепциясини ва мақсадли давлат дастурини ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ва методик базани ишлаб чиқиш;

ҳудудлар давлат кадастри тизимининг барча базавий субъектлари фаолият юритишини ва ўзаро ҳамкорликда ишлашини ташкил қилиш;

дастурий-техник комплексларни ишлаб чиқиш (танлаш);

ҳудудларнинг давлат кадастрини юритишнинг барча даражаларида уларнинг ахборот ресурсларини шакллантириш ва маълумотлар базаларини ташкил этиш (тўлдириш) бўйича ишларни ташкил қилиш;

базавий субъектлар билан ҳудудлар давлат кадастри фойдаланувчиларига ахборот тақдим этиш тизими ўртасида ахборотлар алмашувининг ахборот-коммуникация тизимини шакллантириш;

ҳудудлар давлат кадастри ахборот тизимидан фойдаланувчиларни ва

тизимга хизмат кўрсатувчи мутахассисларни ўқитиш йўли билан ҳудудлар давлат кадастри ахборот тизимининг фаолият юритишини кадрлар билан таъминлаш.

26. Ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш иккита асосий босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич:

ҳудудлар давлат кадастрини тузиш концепциясини ва мақсадли давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

ҳудудлар давлат кадастри ахборот тизимининг маълумотлар базасига базавий ахборот тариқасида киритилиши назарда тутиладиган материаллар ва маълумотларни уни юритишнинг тегишли даражаларида тўплаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш ишлари;

ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот тизими ва геопорталларининг техник комплексларини уни юритишнинг барча даражаларида харид қилиш ва ўрнатиш;

ҳудудлар давлат кадастри маълумотларининг кадастр ҳисобга олиниши ва алмашуви учун мўлжалланган бирхиллаштирилган электрон ҳужжатлар айланиши тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

ҳудудлар давлат кадастри геоахборот тизимлари ва геопорталларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, зарур ҳолларда харид қилиш ҳамда ўрнатиш;

ҳудудларнинг давлат кадастри геоахборот тизимлари ва геопорталларидан тажриба тариқасида фойдаланиш;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси марказий аппаратининг тегишли бўлинмалари, Геодезия ва картография миллий маркази, ҳудудий ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг, ҳудудлар давлат кадастрини тузиш ва юритиш бўйича бошқа базавий субъектларнинг фаолиятини ташкил қилиш.

Иккинчи босқич:

ҳудудлар давлат кадастри базавий субъектларининг тақсимланган маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашувининг коммуникация каналларини ўрнатиш;

ахборотни муҳофаза қилишни ва ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот ресурсларидан фойдаланиш тизимини ташкил қилиш;

ҳудудларнинг давлат кадастри геоахборот тизимлари маълумотлар базаларига маълумотларни мунтазам киритиб бориш ва долзарблаштириш ишларини уни юритишнинг барча даражаларида ташкил қилиш;

фойдаланувчиларнинг сўровлари бўйича кадастр ҳужжатларини, маълумотномалар ва бошқа ахборотни, шу жумладан интерактив давлат хизматлари шаклида шакллантириш ва бериш ишларини ташкил қилиш;

ҳудудларнинг давлат кадастри геоахборот тизимлари ва геопорталларидан саноат йўсинида фойдаланиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ҳудуд-

ларнинг давлат кадастри ахборотлари билан мунтазам (доимий) таъминлаш.

V. Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби

27. Худудлар давлат кадастрини юритиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

28. Худудларнинг давлат кадастрини юритиш Геодезия ва картография миллий маркази, тегишли ҳудудий ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари томонидан ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган ҳудудий давлат кадастрининг базавий субъектларидан олинган маълумотлар ва ҳужжатлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича қарорлари олинган, тизимлаштирилган, умумлаштирилган ва рўйхатдан ўтказилгандан кейин тегишли даражадаги худудларнинг давлат кадастри ахборот ресурсларини шакллантириш ва долзарблаштириш йўли билан амалга оширилади.

29. Республика даражасида худудларнинг давлат кадастри тизимида: мамлакат худудининг 1:200 000 масштабдаги ягона рақамли картографик асоси;

давлат чегараси ва маъмурий-худудий бирликларнинг чегаралари;

мамлакат худудининг кадастр бўйича бўлиниши бирликлари;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини жойлаштиришнинг бош схемаси;

Ўзбекистон Республикаси худудини режалаштириш схемалари;

худудлардан фойдаланиш, мамлакат худудини экологик, муҳандислик-геологик, сейсмик, гидрогеологик, тупроқ, иқтисодий, солиқ ва бошқаларга оид минтақаларга бўлиш бўйича давлат кадастрлари ва ахборот тизимларининг ахборот ресурслари;

худудий режалаштириш, шаҳарсозлик, ер тузиш ва бошқа соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

30. Минтақавий даражада худудларнинг давлат кадастри тизимида:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларининг 1:10 000 ёки 1:25 000 масштабдаги ягона рақамли картографик асоси;

давлат чегараси ва маъмурий-худудий бирликларнинг чегаралари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини кадастр бўйича бўлиш бирликларининг чегаралари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар худудлари ва аҳоли пунктлари чегараларидан ташқаридаги минтақавий аҳамиятга молик бўлган объектлар худудларининг айрим қисмларини режалаштириш схемалари;

худудларни истиқболли ривожлантиришнинг лойиҳа қарорлари ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳалари;

худудлардан фойдаланиш, минтақалар худудларини экологик, муҳандислик-геологик, сейсмик, гидрогеологик, тупроқ, иқтисодий, солиқ ва бошқа-

ларга оид минтақаларга бўлиш бўйича давлат кадастрлари ва ахборот тизимларининг ахборот ресурслари;

худудий режалаштириш, шаҳарсозлик, ер тузиш ва бошқа соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

31. Туман даражасида ҳудудларнинг давлат кадастри тизимида:

туман ҳудудининг 1:5 000 ёки 1:10 000 масштабдаги ягона рақамли картографик асоси;

қишлоқ ва посёлка фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳаллаларнинг маъмурий-худудий бирликлари чегаралари;

туман ҳудудини кадастр бўйича бўлиш бирликларининг чегаралари;

ер участкаларининг чегаралари;

туман ҳудудини ва аҳоли пунктлари чегараларидан ташқаридаги минтақавий аҳамиятга молик объектлар билан биргаликда ҳудудларнинг айрим қисмларини режалаштириш схемалари;

ҳудудлар давлат кадастри ахборот тизимлари алоҳида тузилмайдиган туман бўйсунувидаги шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари, ҳудудларни зоналаштириш режалари, кўрсатиб ўтилган аҳоли пунктларининг тарихий-архитектура режалари тўғрисидаги маълумотлар, ушбу Низомнинг 31-бандига мувофиқ мазкур аҳоли пунктлари ҳақидаги бошқа маълумотлар;

ҳудудлардан фойдаланиш, туман ҳудудини экологик, муҳандислик-геологик, сейсмик, гидрогеологик, тупроқ, иқтисодий, солиқ ва бошқаларга оид минтақаларга бўлиш давлат кадастрлари ҳамда ахборот тизимларининг ахборот ресурслари;

худудий режалаштириш, шаҳарсозлик, ер тузиш ва бошқа соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

32. Шаҳар даражасида ҳудудларнинг давлат кадастри тизимида:

шаҳарнинг 1:2 000 масштабдаги ягона рақамли картографик асоси;

шаҳар, шаҳар туманлари (мавжуд бўлса) ва маҳаллаларнинг чегаралари;

шаҳар ҳудудини кадастр бўйича бўлиш бирликларининг чегаралари;

шаҳарнинг бош режаси, ҳудудларни зоналаштириш режалари, тарихий-архитектура режаси ва шаҳар ҳудудининг батафсил режалари;

иқтисодий ва солиққа оид зоналаштириш чегаралари;

давлат ер кадастри маълумотлари асосида — ер участкалари, уларнинг кадастр рақамлари, чегаралари ва экин майдони (уларда жойлашган бино ва иншоотларнинг контурларини белгилаган ҳолда), мўлжалланган мақсад ва функционал фойдаланиш, ерларни ер участкалари эгалари, фойдаланувчилар, ижарага олувчилар ҳамда ер участкалари мулкдорлари ўртасида тақсимлаш, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича мажбуриятлар;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри, шаҳарсозлик давлат кадастри маълумотлари, хизмат кўрсатувчи таъмирлаш ташкилотлари маълумотлари, инфратузилманинг қурилиши тугалланган объектларини муҳандислик-геодезик ижровий суратга олиш натижалари ва бошқа расмий манбалар асосида — муҳандислик-транспорт инфратузилмаси;

бинолар ва иншоотлар давлат кадастри, маданий мерос объектлари дав-

лат кадастри, шаҳарсозлик давлат кадастри маълумотлари ва бошқа расмий манбалар асосида — бинолар ва иншоотлар, уларнинг ҳуқуқий режими, техник ҳолати, меъморий ва маданий қиммати;

моддий маданий мерос объектлари давлат кадастри маълумотлари асосида — маданий мерос ёдгорликлари;

Географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотлари, топографик чизмалар, бошқа расмий манбалар асосида — маҳаллалар, кўчаларнинг номлари ва жойнинг ном берилган бошқа объектлари;

топографик чизмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шаҳар ҳудудидаги объектларнинг манзилларини белгилаш ёки ўзгартириш ҳақидаги қарорлари асосида — шаҳар ҳудудидаги манзиллар реестри;

белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик дастурлари, инфратузилмани ривожлантириш, маданий мерос ёдгорликлари ва табиий объектларни муҳофаза қилиш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ҳамда муҳофаза қилиш схемалари ва лойиҳалари, давлат инвестиция дастурлари ва лойиҳалари;

шаҳарсозлик давлат кадастри маълумотлари асосида — бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари, лойиҳа ҳужжатлари материаллари, қурилиш учун рухсатномалар, шаҳарсозлик регламентлари, қурилиши тугалланган ҳамда фойдаланиш учун қабул қилинган объектлар ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари;

қизил чизиқлар ва қурилишларни тартибга солиш чизиқлари;

шаҳарсозлик давлат кадастри маълумотлари, тегишли шаҳарсозлик ҳужжатлари, экологик, гидрометеорологик, радиологик, санитария-гигиенага оид ҳамда бошқа тадқиқотлар ва қидирувлар маълумотлари асосида — айрим ҳудудлар ва ер участкаларининг экологик ва муҳандислик-геологик тавсифлари, уларда шаҳарсозлик регламентлари ва чекловларни инобатга олган ҳолда шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш имконияти;

бошқа давлат кадастрларининг ва ахборот тизимларининг ҳудудлардан фойдаланиш, шаҳар ҳудудини экологик, муҳандислик-геологик, сейсмик, гидрогеологик ва бошқаларга оид минтақаларга бўлиш бўйича ахборот ресурслари;

ҳудудий режалаштириш, шаҳарсозлик, ер тузиш ва бошқа соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.

33. Ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш учун зарур бўлган маълумотларнинг таркиби, мазмуни, форматлари, тақдим этиш даврийлиги ва тартиби «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан ҳудудлар давлат кадастрининг базавий субъектлари билан келишган ҳолда белгиланади.

34. Геодезия ва картография миллий маркази, ҳудудий ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналари ҳудудлар давлат кадастрини юритишнинг тегишли даражаларида қуйидагиларни амалга оширади:

ҳудудлар давлат кадастрининг базавий субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва улардан ҳудудлар давлат кадастри ахборот тизимининг маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилиши, ҳисобга олиниши ҳамда киритилиши лозим бўлган ахборотни доимий қабул қилиб олиш;

олинган маълумотлар ва ҳужжатларни дастлабки қайта ишлаш, уларни назорат қилиш ва тизимлаштириш ҳамда уларни ҳудудлар давлат кадастри ахборот тизимининг маълумотлар базасига киритиш;

ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот тизими ҳамда геопорталларининг техник ва дастурий воситаларига хизмат кўрсатиш;

ахборотни сақлаш ва архивлаштириш тизимига хизмат кўрсатиш;

бошқа давлат кадастрлари, реестрлар ва ахборот тизимлари билан ахборот алмашиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни ундан рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилиш тадбирлари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тадбирлари;

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан ваколатли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда белгиланган тартибда кадастр ҳужжатларини шакллантириш ва уни манфаатдор фойдаланувчиларга бериш;

ҳудуддан, ердан ва бошқа табиий ва ҳўжалик ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати, ушбу ҳудудда жойлашган турли объектларнинг ҳолати ва ўзгаришлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлилий ҳисоботлар тузиш;

ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот ресурслари тўғрисидаги метамаълумотлар базасини ташкил этиш ва юритиш, ҳудудлар давлат кадастрининг очиқ ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда геопорталлар тармоғида улардан фойдаланиш;

фойдаланувчиларнинг сўровларига жавобан ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот тизими маълумотлар базасининг ахборот ресурсларидан рухсат берилган фойдаланиш чегараларидаги кадастр маълумотномаларини шакллантириш;

тегишли даражадаги ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот ресурсларини тасарруф қилувчи томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифаларига ҳудудлар давлат кадастри ахборот ресурсларидан рухсат берилган ҳолда тўғридан-тўғри фойдаланишни таъминлаш тадбирлари;

ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш воситаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

ушбу Низомга мувофиқ ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш ва юритиш соҳасидаги бошқа фаолият.

VI. Ҳудудларнинг давлат кадастри ахборотини фойдаланувчиларга бериш тартиби

35. Ҳудудларнинг давлат кадастрида сақланадиган ахборот очиқ ҳисобланади ва ундан ҳамма фойдаланиши мумкин, таркибида фойдаланиш чекланган ахборот бор бўлган маълумотлар бундан мустасно.

Худудларнинг давлат кадастрида сақланадиган ахборотни муҳофаза қилиш ахборот муносабатларининг тегишли субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Худудлар давлат кадастрининг давлат мулки ёки давлат ёхуд тижорат сири ҳисобланган ахборотидан фойдаланишга чекловлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади.

36. Худудларнинг давлат кадастрида сақланадиган ва фойдаланишга чекловлар бўлмаган ахборот:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, худудлар давлат кадастрининг бошқа базавий субъектларига — худудларнинг давлат кадастри ахборот ресурсларидан рухсат берилган ҳолда тўғридан-тўғри фойдаланиш ҳуқуқини бериш йўли билан мунтазам (доимий) асосда;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга — сўров бўйича беш кун ичида, шунингдек тегишли даражадаги худудларнинг давлат кадастри ахборот ресурсларини тасарруф қилувчи томонидан тасдиқланган фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифалари рўйхатига мувофиқ худудлар давлат кадастри ахборот ресурсларидан рухсат берилган ҳолда тўғридан-тўғри фойдаланиш йўли билан берилади.

37. Худудларнинг давлат кадастрида сақланадиган ва фойдаланишга чекловлар бўлмаган ахборот:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, худудлар давлат кадастрининг бошқа базавий субъектларига — тўловлар ундирилмасдан;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга — ҳақ тўлаш эвазига берилади. Тўлов миқдори, муддатлари ва тартиби белгиланган тартибда «Ер-геодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

VII. Яқунловчи қоидалар

38. Худудларнинг давлат кадастрини юритиш учун тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун ушбу маълумотларни тақдим этиш ваколатига кирадиган ваколатли ташкилотлар ва мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

39. Юридик ва жисмоний шахслар худудларнинг давлат кадастри давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда:

ахборотни ҳужжатлаштириш, шакллантириш, ундан фойдаланиш ҳамда давлат ахборот ресурсларидан фойдаланишни ташкил қилиш тартиби ва талабларига риоя қилишга;

давлат ахборот ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга;

давлат ахборот ресурсларини шакллантиришда ва уларнинг фаолият юритишини таъминлашда лицензияли дастурий ҳамда сертификацияланган техник воситалардан фойдаланишга мажбурдир.

Юридик ва жисмоний шахслар худудларнинг давлат кадастри давлат

ахборот ресурсларини шакллантиришда ва улардан фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

40. Юридик ва жисмоний шахслар ҳудудларнинг давлат кадастри давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда:

ахборот билан ишлаш, давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш қоидалари бузганлиги;

давлат ахборот ресурсларидаги ахборот ўғирлаганлиги, йўқотилганлиги, бузилганлиги, блокировка қилганлиги ва қалбакилаштирилганлиги;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун жавоб берадилар.

Юридик ва жисмоний шахслар ҳудудларнинг давлат кадастри давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жиҳатлар юзасидан ҳам жавоб беришлари мумкин.

Ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА


**Ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш
СХЕМАСИ**





Худудларнинг давлат кадастрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Худудларнинг давлат кадастрини юритиш (ХДК)
СХЕМАСИ



* Стрелкалар билан ахборотнинг ҳаракат йўналиши белгиланган

1. ХДК базавий субъектлари:
 - а) худудий объектлар тўғрисидаги давлат кадастрлари, геофазовий ахборот, статистика ва бошқа маълумотларни (ташқил этиш, янгилаш, қайта ишлаш, сақлаш) шакллантиради;
 - б) ахборот ресурсларини тегишли равишда Геодезия ва картография миллий маркази ва ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри худудий корхоналарига тақдим этади.
2. Геодезия ва картография миллий маркази ҳамда ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри худудий корхоналари тегишли равишда республика ва худудий даражада:
 - а) олинган маълумотларни бирламчи қайта ишлайди, назорат қилади ва тизимлаштиради, уларни ХДК ахборот тизимлари маълумотлар базасига киритади;
 - б) ХДК ахборот ресурслари тўғрисидаги метамаълумотлар базасини ташкил этади ва юритади;
 - в) республика ва худудий даражада ахборот ресурсларини айирбошлайди.
3. Геодезия ва картография миллий маркази ҳамда ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри худудий корхоналари ХДКнинг очик ахборот ресурсларини шакллантиради ҳамда геопорталлар тармоғидаги маълумотлардан фойдаланишни амалга оширади.
4. Фойдаланувчилар — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот ресурсларидан ХДК геопорталлари орқали тўловлар ундирилмасдан рухсат берилган ҳолда тўғридан-тўғри фойдаланади.
5. Фойдаланувчилар — манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ахборот ресурсларидан сўров бўйича ҳақ тўлаб ХДК геопортали орқали фойдаланади.